УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
130495

Илм – ўзни билмакдир

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 15 март, чоршанба

Баҳоси сотувда эркин нарҳда.

11 (6657)

# КОПЕНГАГЕНДАГИ УЧРАШУВ: «БЕЛЛА-МАРКАЗ» УМИД РАМЗИ БЎЛИБ ҚОЛДИ



Дания пойтахти Копенгагенда олий даражадаги мислсиз учрашувда 130 дан ортиқ давлатлар ва ҳукуматларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг бошлиқлари иштирок этди. Учрашувни бу йил ташкил этилганига 50 йил тўлишини нишонлайдиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уюштирди. Бу қадар кўп давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган учрашув жуда муҳим умумбашарий муаммога — инсониятнинг ижтимоий тараққиётига бағишланди.

... Анжуман ташкилотчилари Европадаги энг йирик кўргазма мажмуаларидан бири — «Белла-Марказ»да ўтган олий даражадаги учрашув рамзи сифатида гўёки ёш бола қўли билан чизилган оддийгина суратни танлаб олдилар. Бу суратда учта кулгили митти одам қуёш нурлари остида бир-бирининг қўлини ушлаб, гўёки зинадан Ер курраси бўйлаб тушиб келмоқда. Бу тасвир юксак даражадаги анжуманнинг ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш, мавжуд тенгсизликни ва тобора кучайиб бораётган бой ҳамда камбағал мамлакатлар ўртасидаги ажралишни тугатиш вазифасига тўла-тўкис мос келади. Чунки айни шу тафовут, қашшоқлик, очлик, ижтимоий тенгсизлик муқаррар равишда можароларга олиб келади. Бундай можаролар сайёранинг турли нуқталарида келиб чиқмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий шу ҳақда гапириб, XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон моддий соҳадаги мислсиз тараққиётнинг гувоҳи бўлди, деди у. Аниқ рақамларга асосланиб гапирди. Чунончи, сўнгги йилларда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут кучайиб, 1960 йилдаги 13:1 дан ҳозирги 10 йилликда 60:1 га етди.

Ислом Каримов анжумандаги асосий нутқидан ташқари бир неча учрашув ўтказди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори доктор Накажима, Болгария Президенти Ж. Желев, Покистон Президенти А. Леҳгари, Туркия Президенти С. Демирэл, ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор, Эрон ташқи ишлар вазири А. Вилоятий, бошқа таниқли сиёсатчи ва жамоат арбоблари билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбарининг АҚШ делегацияси бошлиғи, шу мамлакатнинг вице-президенти А. Гор билан суҳбати қизиқарли бўлди. Ислом Каримов уни шу йил сентябрь ойида Нукусда БМТ ҳомийлигида ўтказиладиган Орол муаммоларига бағишланган конференцияда иштирок этишга таклиф қилди. Альберт Гор Орол фожиасидан жуда яхши хабардор. У Ислом Каримовга ўз вақтида Нукус ва Мўйноққа сафар қилгани ҳақида сўзлаб берди. Альберт Гор суҳбатда Орол муаммоси жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида туриши ва барча мамлакатлар иштирокида ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади.

***

Ўзбекистон Президентининг Копенгаген учрашувидаги нутқи иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ислом Каримов жаҳонда чуқур ижтимоий зиддиятлар мавжудлиги тўғрисида гапириб, бунинг бир неча аосий сабаблари борлигини кўрсатиб ўтди.

— Ижтимоий ва фуқаролар тотувлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳозирги пайтда давлатчиликни тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳамда адолатли ижтимоий тузумни ўрнатиш учун чиндан ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, — деб таъкидлади И. Каримов. Шу сабабли мамлакатда мустаҳкам ижтимоий барқарорликни сақлаб туриш, ислоҳотлар дастурини изчиллик билан амалга ошириш, демократик тартибни мустаҳкамлаш асосий омилдир. Ҳозир юздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат 23 миллион киши яшайдиган Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат айни шу нуқтаи назардан шакллантирилмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни мафкурадан тўла холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлиги, мамлакатда ислоҳотларнинг аста-секин ва босқичма-босқич ўтказилиши, «фалаж қилиб даволаш» деб аталган усулнинг биз учун мақбул эмаслиги бу тамойилларнинг энг муҳимларидир. Бошқача қилиб айтганда, биз ижтимоий ларзаларни истисно этадиган тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олдик. Миллий ва нуфус хусусиятлари ҳисобга олинса — жамиятнинг ҳаддан ташқари табақаланишига йўл қўймайдиган, аҳолининг эҳтиёжманд табақалари манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш бизнинг шароитимизда айниқса муҳимдир.

Ислом Каримов Копенгаген анжуманида Ўзбекистонда Соғлом авлод учун ҳаракати зўр куч билан қўллаб-қувватланиб ва ривожланаётгани ҳақида гапирди. Она соғлом бўлса — фарзанд ҳам соғлом бўлади. Бундан ҳам қимматли нарса борми?

Ислом Каримов давлат ва ҳукумат бошлиқлари, журналистларнинг эътиборини Ғарбдаги айрим мамлакатларда Шарқ аёли тўғрисидаги тушунча баъзан нотўғри ва бирёқлама талқин қилинишига қаратди. Муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида аёлга — она, меҳнаткаш инсон, жамоат ва давлат арбоби сифатида қаралади ҳамда бу — давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти, ҳукумати, маҳаллий ҳокимият органлари, соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарлари орасида хотин-қизлар муносиб ўрин эгаллаб тургани ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Ислом Каримов ёш мустақил давлатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик тўғрисида гапириб, ижтимоий тараққиётга халқаро ёрдамни ташкил этиш тизими зарур ўзгартишлар киритишни талаб қилаётганини таъкидлади. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон банки, халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё банки каби йирик халқаро ташкилотларнинг имкониятлари ва нуфузига кўпроқ суяниши лозим. Муҳтож, эҳтиёжманд аҳолига турли сиёсий ва баъзан субъектив сабаблар билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳоллари учраб турибдики, бундай ҳолларни тугатиш жуда муҳим масаладир.

— Жаҳоншумул ижтимоий муаммоларни минтақавий муаммоларни ҳал этиш йўли билан ҳал қилиш зарур, — деди И. Каримов. Бу — оламшумул муаммолар оддий нарсаларни ҳал қилишдан бошланади, деган гапдир.

Шундан кейин Ўзбекистон раҳбари умумбашарий моҳият касб этган Орол фожиаси муаммосига тўхталди. Чунки, сўнгги йилларда денгиз ҳажми уч мартадан ошиқроққа қисқариб кетди. Сувни тозалаш масаласи эса, тўрт баравар ошди. Бу — икки миллион гектар майдондаги ҳосилдор ерни йўқотиш деган гап. Бугунги кунда Оролдан кўтарилаётган туз ва чанг 500, ҳатто ундан ортиқ километр масофага етиб бормоқда. Демак, 60 миллиондан зиёд инсон истиқомат қилаётган минтақадаги экологик вазиятни тартибга солиш жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин эмас.

Ислом Каримов юксак даражадаги учрашув иштирокчилари диққатини Тожикистон ва Афғонистондаги аҳволга жалб этди. Минтақада яшаётган миллионлаб одамлар очлик, муҳтожликка маҳкум. Бу ҳол нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда барқарорлик ва хавфсизликни ларзага солиши мумкин бўлган ижтимоий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам бу минтақа бугунги кунда Европа ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларига наркотик моддаларни жўнатадиган ўзига хос йўналишлардан бири бўлибгина қолмай, халқаро наркобизнес ва ажал қуроли савдоси билан шуғулланадиган жиноят гуруҳлари учун қулай йўлга ҳам айланган.

... Копенгаген учрашуви ташкилотчилари «Белла-Марказ»даги мажлислар залининг расмий делегациялар кириб келадиган жойига дунёнинг турли мамлакатлари болалари чизиб БМТга юборган расмларни осиб қўйишган. Уларнинг барчасини бир нарса — тинчликтотувлик, бахт-саодат ҳамда тўкин-сочин яшаш истаги бирлаштиради. Чунки, болаларнинг олий тилаги ана шундан иборат.

Хуллас, меҳмондўст Дания пойтахтидаги кўкламнинг совуқ кунларида ўтган олиймақом учрашув ниҳоясига етди. Муҳокамага ҳавола этилган муаммоларга қарашларнинг турличалигидан қатъи назар, Копенгагенда жаҳон ҳамжамиятига аъзо барча мамлакатларнинг ижтимоий масалаларни ҳал қилишда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга ҳамкорлик майли намоён бўлди. Бу масалаларнинг барчаси сайёрамиз фуқаролари, келажак авлодларимиз манфаатларини кўзда тутади.

**Л. ЛЕВИН,**

**ЎзА.**

Тошкент-Копенгаген-Тошкент.

Суратда: Президент И. Каримов «Белла-Марказ»да маъруза қилаётган пайт.

Суратни Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган.

---

**26 март --умумхалқ референдуми куни**

## КЕЛАЖАК КЎЗЛАНГАН ТАДБИР

**Яқиндагина ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Унда мустақиллик шароитида бўлиб ўтган демократик сайлов натижасида вужудга келган парламентимиз ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш учун шу йил 26 мартда умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, жумладан, халқ таълими муассасаларида ҳам референдумга бағишланган митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.**

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактабда бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар халқ таълими ходимлари вакиллари қатнашдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Сўзга чиққанлар Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган ёрқин ва сермазмун маърузасида илгари сурилган ғоялар ўзларининг келгусидаги ишлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Президент ваколатини узайтириш ҳақидаги Қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

***

Шунингдек, Тошкент давлат университети Маданият саройида ҳам умумхалқ Референдумига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда университет ректори, академик Тўхтамурод Жўраев Олий Мажлис йиғилиши қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда, Президентлик ваколатини узайтириш бўйича ўтказиладиган референдумга тайёргарлик хусусида батафсил тўхталди. Шундан сўнг университетнинг профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалари ҳам сўзга чиқишиб, Олий Мажлиснинг Президент ваколатини узайтириш ҳақидаги таклифи республика аҳлининг дилидаги гап бўлганлигини қайд этдилар.

**Мухбиримиз.**

## ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНДИ

Қарши шаҳрида вилоят халқ таълими ходимларининг навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Мусурмонов бошқарди.

Йиғилиш қатнашчилари биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» ҳақидаги маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва хулосаларга тўхталиб, қилиниши лозим бўлган келгуси ишларни режалаштириб олдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги умумхалқ Референдумини қизғин маъқуллашди. Бўлажак референдум ислоҳотлардаги изчилликни ва қатъийликни, уни амалга оширишда ҳамжиҳатлик ва якдилликни таъминлашини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисда вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Марям Едгиева қатнашди.

**Абдували ОБИДДИНОВ.**

---

## ИСТЕЪДОДЛИЛАР БАҲСИ

### 25 мартда фанлар бўйича республика олимпиадаси бошланади

*Фанлар бўйича олимпиада -истеъдодли ўқувчиларни, уларнинг қобилияти ва маҳоратини, келажакда касб танлашини аниқлашнинг самарали кўринишларидан биридир. Умумтаълим мактабларининг 9-11-синфлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида тарих фани бўйича олимпиада ўтказиш тиклanганига иккинчи йил бўлаяпти.*

*Ахборот учун шуни маълум қиламизки, 1995 йилги «Ёш тарихчи» олимпиадасининг Республика босқичи Қарши шаҳрида ўтказилади. У икки турда бўлади. Биринчи тур -- ўқув вазифаларини ёзма ҳолда бажаришдан иборат. Ҳар бир қатнашчи шахсий карточка олади ва бир ярим соат мобайнида ундаги ўнта саволга жавоб топиши керак. Ҳар бир топшириқ 5 балл билан баҳоланади. Шундай қилиб, бу турда энг юқори балл -- 50 ни ташкил қилади.*

*Бу тур топшириқларининг характери, шунингдек, уларнинг мураккаблик даражаси ҳар хил бўлиб, бир хил топшириқни бажариш учун саволга аниқ жавоб этилади. Масалан, мис ва бронзадан ясалган меҳнат қуроллари пайдо бўлгунга қадар қандай кашфиёт ёки ихтиролар пайдо бўлган? Бошқа топшириқларда далил ва тушунчаларни англаб етиш, карточкада кўрсатилган бирор тарихий ҳужжат ёки бошқа манбадан бирор парчага аниқ жавоб қайтариш талаб этилади. Масалан, «Диний эътиқод ҳақида келтирилган матн асосида дин нималигини аниқланг».*

*Иккинчи турда тестдан ўтилади (иложи бўлса ЭҲМда). Ўқувчилар бир соат мобайнида таклиф этилган 50 та тест саволининг тўғрисини топишлари керак. Ҳар бир тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади. Бу турда ҳам олий балл 50 дир. Иккала турда 75 дан 100 баллгача тўплаган ўқувчигина мукофотли ўринга даъвогар бўлиши мумкин. Савол ва топшириқлар 9, 10, 11-синфларга мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», «Дин тарихи» дастури асосида тузилади. Баъзи саволларга жавоб бериш ва бир қанча топшириқларни ечиш учун, аввало синфларда ўқилган дастур материалларини, шунингдек, ўзи ўқиб ўрганиш асосида тўплаган билимларини янгилашга тўғри келади.*

*Бу йилдан эътиборан тарих бўйича Республика олимпиадаси амалиётида биринчи марта мактабдан тортиб Республика мусобақаларигача бўлган унинг ҳамма босқичларида олимпиада қатнашчиларининг эришган натижалари ўлчови сифатида рейтинг тизими киритилади. Мактаб (билим юрти) олимпиадасини ўтказиш чоғидаёқ ҳар бир ўқувчига расми ёпиштирилган ва муҳрланган рейтинг дафтарчаси қўлланилади. Уларда олимпиаданинг барча босқичлари (мактаб, туман, вилоят, республика)да қўл қўйилган ҳужжати, олимпиада топшириқларининг натижалари, шунингдек, бажарилган иш мавзуси (реферат, топшириқ ва суҳбатлашиш, тест ва бошқалар) кўрсатилади ва юқори балл қўшиб берилади. Бу мукофотли ўринга даъвогарлик қилаётган ўқувчининг рейтингини оқилона баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари, бундай тизим ўқувчининг қобилияти даражаси ўсишини таъминлайди. Команда бўйича мукофотли ўрин вилоятлар командаси ҳар бир аъзоси (иккала тур) тўплаган балл ҳамда учинчи тур — деворий газета танловида эришилган натижалари билан аниқланади.*

**О.ШАГАЙДУЛИНА, РТИММ методисти.**

---

*Сарҳисоб ва режалар*

## ДИАГНОСТИК ТАҲЛИЛ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз мустақилликнинг тўртинчи йилидан дадил одимлаяпти. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ўтган йил якуни бўйича иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, яъни ортга бир назар ташлаш, қилинган ишларни сарҳисоб қилиш ва янги, истиқболли режалар белгилаш истиқлолга эришилгандан сўнг, айниқса, ҳар бир соҳада ойдинроқ намоён бўлиб бормоқда. Ислоҳот одимлари янада равшанроқ сезилмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимида ҳам бу ишга янгича ёндашиш, таълим мазмунини бойитадиган янгиликлар олиб кириш йўллари изланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўтган йиллар мобайнида «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг халқ таълими ходимлари, ўқувчи ва талабаларни, ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасидаги фармон ҳамда қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, муайян ишларни амалга оширдилар. Ўтган ўқув йилида халқ таълимини ислоҳ қилиш, ўқув-тарбия жараёнини демократлаштириш, ўқув режаларининг кўп вариантлилигини таъминлаш бўйича бошланган амалий ишлар барча таълим муассасаларида давом эттирилаётир. Ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоалар талабларини инобатга олган ҳолда 1—6-синфлар учун таянч ўқув режалари ҳамда 1—11-синфлар учун 2000 йилгача мўлжалланган истиқбол ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ҳуқуқшунослик соатлари экологик ва иқтисодий билим асослари, маҳаллий тарих, ўлкашунослик ва география дарслари ҳам мазкур ўқув режаларига киритилди. Асосий фанлар бўйича таълимнинг Давлат стандартлари ишлаб чиқилиб, тажриба-синовлардан ўтказиш учун тавсия қилинди.

Таълим жараёнига тест синовларининг фаол кириб келаётгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. Битирувчиларни олий ўқув юртларига қабул қилиш жараёнида ўтказилган тест-синовларнинг Республика тест Марказидан олинган якунларни барча вилоят, шаҳар ва туманларга юбориш, уларни маҳаллий маълумотлар билан солиштириш ва таҳлил қилиш яхши самаралар бермоқда.

Республикада ўқувчиларга халқ ҳунармандчилигининг 22 тури бўйича ихтисослик берувчи 10 дан ортиқ миллий ҳунармандчилик лицейларининг очилиши ҳам ҳунар-техника билим юртлари тизими негизида муҳим воқеа бўлди. У ҳунар-техника таълими кўрсаткичларининг ўсишига замин яратди.

Буларнинг барчаси халқ таълими тизимининг 1994 йил халқ хўжалик кўрсаткичлари бажарилиши бўйича вазирликда ишлаб чиқилган Диагностик таҳлилларда ўз аксини топган ва яқинда вазирликда бўлган халқ таълими тизимининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, шаҳар ҳамда туманлардаги таълим муассасаларининг бир йиллик фаолияти бўйича ҳисоботи ҳам бевосита ана шу таҳлиллар асосида ўтказилди, Андижон вилоятининг ўқувчиларни миллий ҳунармандчилик ва меҳнатга йўналтириш соҳасидаги фаолияти юзасидан иш тажрибасини барча вилоятларда кенг оммалаштириш тавсия этилди.

— Диагностик таҳлиллар вилоятлар фаолиятининг кўзгуси, десак адашмаймиз, — деди Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, — сабаби, диагностик жадвалда ҳар бир вилоятнинг бир йиллик қилган иши акс этади. Вилоятлар фаолияти жадвал асосида бу йил иккинчи йил баҳоланиши. Бу, албатта, ҳозирча миқдор кўрсаткичдир. Эндиги вазифа сифат кўрсаткичларига эришишдан иборат. Яъни, таълим мазмунига янгилик киритиш, фанлар бўйича ҳар бир мактабда педагогик таҳлиллар ўтказилишига, ва ниҳоят, ўқувчи билими — сўнгги, хал қилувчи натижа бўлиб қолишига эришишдир. Таҳлил ва ҳисоботлар ўтказилишидан асосий мақсад ҳам шундан иборатдир. Бу йилги йил якуни бўйича ўтган ҳисоботимизда, афсуски, ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда диагностик таҳлилларнинг ҳали мактабга етиб бормаганлиги, мактаб директорлари қўлида ўқувчининг билими даражасининг таҳлили йўқлиги, вилоятлар бўйича олинган рақам кўрсаткичларининг мактаб ҳаётидан анча узоқлиги, шунингдек, кўпчилик вилоятларда асосий позициялар бўйича орқага кетиш ҳоллари ҳам сезилди. Ваҳоланки, рақамлар ортида тараққиёт ётади. Шу боис ҳар бир мактаб раҳбари ўқувчи билими билан қизиқиши, унга мактаб давриданоқ кичик бўлса-да, ҳунар берилиши ва мактабни битиргач, кўчада қолдирмаслик, ҳунарга тортиш ва шу йўл билан мактаб ўқувчилари орасидаги жиноятчилик, қонунбузарлик ҳолларининг кескин камайишига эришмоғи шарт. Бунинг учун эса, бошқарув тизимини қайта ташкил қилишни бошқармаларнинг ўзидан бошлаш, вилоят бошқармалари қошида ижодкор ўқитувчилар, фахрийлар кенгашларини тузиш, илғор тажриба мактаблари, муаллифлик мактаблари яратиш, вилоят ва туманларда фанлар бўйича таянч мактаблари сонини кўпайтириш, бир сўз билан айтганда, «яхшилик уруғини соча билиш» лозим. Вилоятларда бошланган хайрли ишларни жойларда кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш зарур.

Ҳар бир соҳада тадбиркорлик йўлларини излаш — давр талаби. Зеро, айни дамларда вилоятлардаги долзарб муаммолардан бири мактаб ва боғча қурилиши бўлмоқда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессиясида сўзлаган нутқида халқ таълими тўғрисида билдирган фикр-мулоҳазалари, жумладан, Тошкентдаги 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилиши муносабати билан айтган «...жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб қуради деб ишонаман!», — деган гапларини дастуриламал қилиб, ҳокимлар орқали бу муаммоларни ҳам ижобий ҳал этаётган вилоятлар бор. Халқимизда излаган имкон топади, деб бежиз айтишмаган. Замон билан ҳамнафас бўлиш ҳар бир таълим ходимининг асосий бурчидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунимизнинг ҳар бир кишидан ишбилармонлик, тадбиркорликни талаб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу нарсага вилоятларнинг йил якуни бўйича таҳлилий кўрсаткичлари юзасидан ўтказилган ҳисобот йиғилишида ҳам алоҳида урғу берилди.

Халқ таълими тизимида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришган вилоятлар ҳам бор. Тошкент вилоятида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, Навоий вилоятида мактаблар қурилиши, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларида ўлкашунослик, ҳудуд тарихини ўрганиш, Қорақалпоғистон Республикасида Тиллар Марказининг ташкил қилиниши, Тошкент шаҳрида ҳунар-техника билим юртлари базасида меҳнат дарсларини ўтиш бўйича тажриба-синов ишларининг ўтказилиши каби ижобий ишлар шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда йил якуни бўйича кўрсаткичларнинг таҳлилий ҳисоботи йиғилишида таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, халқ хўжалик режаларини бажариш бўйича вилоятларда йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост очиб ташланди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Шундай йиғилишларни вилоятларнинг барча туманларида, барча мактабларида ўтказилиши ва туманлар фаолияти натижалари ўзаро қиёслаш асосида солиштирилиши, шунингдек, мактаб билан мактабни ўзаро қиёслаш орқали солиштириш механизмларини ишлаб чиқиш ва бу ишни вилоят бошқармаларининг йиллик натижаларини вилоятлараро ўзаро қиёслаш орқали таққослаш билан якунланиши юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Таълимнинг йиллик якуни бўйича таҳлилий кўрсаткичларда камчиликларга йўл қўйган вилоятлар ҳам санаб ўтилди. Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятларида 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни ўқиш ва ишга жойлашга етарли эътибор берилмагани, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм вилоятларида 1993 йилга нисбатан болалар боғчалари сони 50 тадан 100 тагача камайтириб юборилгани, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ўқувчилари Республика фанлар олимпиадаларида энг паст кўрсаткичларга эришганликлари, Бухоро, Сирдарё, Наманган вилоятларида мактаблар қурилиши, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё вилоятларида болалар боғчалари қурилиши бўйича йиллик режалар бажарилиши 40-70 фоизда қолиб кетгани ҳамда Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларидан келаётган таълим соҳасига оид шикоят ва аризалар сонининг кескин кўпайгани вилоятлар фаолиятидаги асосий нуқсонлардир.

Вазирликнинг 1994 йил якунлари бўйича ўтказилган таҳлилий йиғилиши натижаларини жиддий таҳлил этиш, унда маъқулланган ижобий ишларни жойларда чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш мақсадида вазирлик бошқармалари томонидан амалий тавсиялардан иборат махсус буйруқ тайёрланди ва барча вилоятларга, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига ҳам ижро учун юборилди.

Вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, вазир муовинлари, республика ташкилотлари вакиллари ҳамда умумтаълим мактаблар бош бошқармасининг назоратчи-методистлари иштирокида ўтган мазкур йиғилиш механизмини янада такомиллаштириш, диагностик таҳлилларнинг барча позицияларини қайта кўриб чиқиш ва уни янада бойитиш юзасидан маълум чора-тадбирлар белгиланди, вилоятлардаги илғор иш тажрибаларини оммалаштириш бўйича жойларда семинар-кенгашлар ўтказиш режалаштирилди.

**Зулфия ДЎСМУҲАМЕДОВА,**

**Республика халқ таълими вазирлиги ҳайъати котибаси.**

*Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан*



Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабда ёш рассомлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ўқувчиларнинг уруш мавзуига бағишланган ижодидан намуналар намойиш этилди.

Танловда ўқитувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари қаторида «Ниҳол» маҳалласининг фахрийси, Ўзбекистон халқ рассоми, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиғ Абдуллаев ҳам иштирок этиб, ёш рассомларга миллий санъатимизнинг ана шу ноёб дурдоналарини янада чуқурроқ эгаллашда зафар тилади ҳамда ўз ижоди ҳақида сўзлаб берди.

Суратда: С. Абдуллаев ёш рассомлар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

## ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ УСТАСИ

Зайниддин Раззоқов йигирма икки йилдирки, Наманган туманидаги 36-мактабда чақириққача ёшларни тарбиялаш раҳбари сифатида хизмат қилиб келяпти. Бу давр мобайнида у ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор орттирди, элга танилди. Ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриш, ўқитишнинг янги-янги услубларини ўзлаштириб бориш яхши самаралар берди.

Талабчан устоз ўз педагогик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирди. Айни вақтда улар ҳарбий қисм ва милиция сафларида хизмат қилишяпти.

Яқинда мактабга Чирчиқ ҳарбий билим юртидан хат келди. Унда мактабнинг собиқ ўқувчиси Абдурашид Солихонов ўқиётган билим юрти зобитлари шундай ўғлон етиштириб берган ота-онасига, мактаб педагогик жамоаси ҳамда ҳарбий таълим ўқитувчиси Зайниддин Раззоқовга чуқур миннатдорчилик билдиришган.

Ўтган ўқув йилида мактаб гуруҳи туман миқёсида ўтказилган ҳарбий-спорт мусобақаларида фаол қатнашди. Айниқса, ҳарбий таълим ўқитувчиларининг семинари ҳам айнан шу ерда ўтказилгани мактабда чақириққача ёшларни тайёрлаш фанини ўқитиш яхши йўлга қўйилганлигидан дарак беради.

— Зайниддин Раззоқов 1972 йилдан буён ўз касбини ардоқлаб келмоқда, — дейди мактаб директори Мамажон Абдуллаев. — Биргина бу эмас, у болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатади, ўқувчиларни «Яшил чироқ» мусобақаларига тайёрлайди. Мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагида ҳам у фаол. Айни кунларда Ғалабанинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраяпти.

М. АКМАЛОВ.

*Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 70 йиллиги ва XV қурултойига*

## КЎЛАМЛИ ИШЛАР, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

— Кейинги йилларда республикамиз касаба уюшмалари фаолиятида, иш юритиш усул ва услубларида жиддий ўзгаришлар рўй берди,— деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари XVқурултойининг вакили И. Абдуғаниев.— Энг муҳими, бозор муносабатлари шароитида касаба ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимояловчи ишончли ташкилот бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши улар самарали иш олиб боришлари учун ҳуқуқий асос яратди.

Маълумки, яқинда тармоқ касаба уюшмаларида навбатдаги ҳисобот-сайлов мавриди тугади. Барча бўғинларни ташаббускор, тадбиркор, жамоат иши учун жон куйдириб ишлайдиган кадрлар билан мустаҳкамлашда бу галги ҳисобот-сайловлар алоҳида ўрин тутди. Шуни қайд этиш керакки, касаба ташкилотларига кўплаб янги етакчилар сайланди. Энди улар одамларнинг эҳтиёжларини чуқур ўрганишлари, маҳаллий ҳокимиятлар билан елкадош, ҳамкор бўлиб, ҳар бир жойда меҳнат аҳли турмуш даражасини ошириш имконларини топишлари керак.

— Иброҳим Ҳожиевич, тармоқ касаба уюшмаси, унинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятидаги янги тамойиллар нималардан иборат?

— Энг муҳим жиҳат — касаба уюшмаси билан бошқарув идоралари, қўйи бўғинларнинг маъмурлари ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора амалий тус олиб бораётганлигидир. Бу ҳамкорликнинг ишончли қонуний асоси ҳам бор. Бу — Битим ва жамоа шартномалари ҳисобланади. Айтайлик, халқ таълими соҳасида бундай шартнома ўқитувчи билан таълим муассасаси маъмурияти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бутун бир мажмуи — меҳнатга бўлган муносабатни, ҳар икки томоннинг мажбуриятларини, ўқитувчининг меҳнат шароитини ўз ичига олади.

Амалий ҳамкорликнинг бошқа бир кўриниши ҳам бор. Масалан, Ядро физикаси, Ўсимлик моддалари кимёси институтларининг маъмурияти билан касаба қўмиталари қўшма корхоналар ташкил этиб, улардан олинган фойда ҳисобидан илмий тадқиқот ишлари учун зарур ускуналар, жиҳозлар олмоқдалар, ходимларнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилмоқдалар. Ёки бошқа бир мисол: Хоразм вилоятидаги бир қатор мактабларда ижарага ер олиб, пахта, пилла ва бошқа маҳсулотлар етиштириш, ғишт пишириш ёки бошқа кичик корхоналар ташкил этиб, қўшимча маблағ ишлаб топиш тажрибаси кенг тарқалган.

— Ҳар бир кун илмий, таълим ва тарбия соҳасидиги изланишларга бой. Касаба ташкилотлари бу борада амалга ошираётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Маълумки, ҳар бир жамоада ходимлар ўз касаба ташкилотларига уюшади. Бинобарин, жамоадаги ҳеч бир иш касаба қўмитаси иштирокисиз, унинг у ёки бу даражадаги аралашувисиз ҳал бўлмайди.

Бугунги кунда халқ таълимида лицей ва гимназия синфлари бўлган мактаблар кўпайиб боряпти. Ўқув жараёнларининг янгича моделлари синаб кўрилмоқда. Болалар боғчаларида гимназия гуруҳлари пайдо бўлаяпти. Болалар компьютер техникасини, чет тилларни жуда барвақт эгаллай бошладилар.

Ўрта махсус ва олий ўқув юртларимизда ҳам илмий-педагогик жабҳадаги изланишларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўқув юртларида талабаларни контракт асосида тайёрлаш кўлами кенгаймоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги 65 илмий тадқиқот институти олимлари эса мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётининг барча йўналишлари учун илмий-техника ечимларини тайёрлашда тинмай изланмоқдалар.

Албатта, касаба ташкилотлари ўз аъзоларининг илм, таълим-тарбия соҳасидаги изланишлари самарали бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрмоқдалар. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида ижтимоий муҳофаза жамғармаси ташкил этилди. Ҳозирги қийинчиликларга қарамасдан Академия илмгоҳлари ходимлари учун жами 224 квартирали учта уй қурилди. Ўқитувчилар, халқ таълими ходимларига якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер ажратиш кўлами кенгайиб бормоқда.

— Меҳнаткашларни соғломлаштириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш борасидаги муаммолар қандай ҳал этилмоқда?

— Бозор муносабатларига ўтиш даврида касаба уюшмаси ўқувчилар, талабалар, профессор-ўқитувчиларни соғломлаштириш ва дам олишини йўлга қўйиш соҳасидаги иш меъёрини бўшаштирмасликка ҳаракат қилмоқда. Биргина халқ таълими тизимидаги 32 та санаторий-профилакторийда ҳар йили 30 мингдан ортиқ киши ўз саломатлигини тиклаб олаётир. Олимлар, ўқитувчилар, бошқа ходимлар учун Ўзбекистон шифохоналарига имтиёзли йўлланмалар ажратиляпти.

Лекин бугунги қийинчиликлар бу муҳим ишимизнинг кўлами ва сифат даражасига ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Санаторий-профилакторийларимиз, спорт-соғломлаштириш оромгоҳларимизнинг моддий-техника базаси путурдан кетмоқда. Жиҳозларни янгилаш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун маблағ етишмаслик ҳоллари рўй бермоқда. Термиз давлат университети, Нукус педагогика институти, Андижон электр-механика техникуми санаторий-профилакторийлари, айниқса, танг аҳволда. Маблағ етишмаслиги оқибатида бир қатор санаторий-профилакторийларнинг даволаш кўлами қисқариб бормоқда. Айни пайтда тармоқ ходимлари учун санаторийлар, дам олиш уйларига ажратилаётган йўлланмалар эҳтиёжнинг фақат 30—40 фоизини ташкил этаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Лекин аҳвол ана шундай деб, қўл қовуштириб ўтирмаслик керак. Изланган жойларда имкон ҳам топилмоқда. Масалан, Қашқадарё вилоятида «Яккабоғ», Андижон вилоятида «Дилкушод» дам олиш масканларини очиш, «Бурчмулла» дам олиш зонасини кенгайтириш тажрибаси бу фикрнинг далилидир.

— Ҳозиргина таъкидланганидек, касаба ташкилотларининг фаолият кўлами ниҳоятда кенг. Лекин яна бир жиҳатга тўхталиб ўтсангиз. Мен меҳнат шароити, шу муносабат билан юзага келувчи турли низоларни назарда тутуаяпман.

— Республикамизда меҳнат муносабатларига тааллуқли қонунларни такомиллаштириш йўдида кўп иш қилинмоқда. Меҳнат қонунларига бир қатор қўшимчалар киритилди, бошқа меъёрловчи ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ айрим мансабдор шахслар қонунни мукаммал билмасликлари ёки унинг талабларига риоя этмасликлари оқибатида гоҳида меҳнат жамоаларида ўринсиз низолар келиб чиқади, маънавий муҳит бузилади. Бир мисол. Ўтган ҳисобот даврида халқ таълими тизимидаги барча табақа касаба қўмиталари уюшма аъзоларидан талайгина ариза ва шикоятлар олинди ва асосан ижобий ҳал этилди.

Бизда одамлар эҳтиёжига ҳозиржавоб бўлиб ишлаб, барча муаммоларни бошланғич бўғиннинг ўзида баҳамжиҳат ҳал этишнинг ибратли тажрибалари мавжуд. Масалан, Бухоро, Хоразм, Андижон, Фарғона вилоятларининг кўпгина мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларида касаба қўмиталари кундалик, жорий масалаларни ошкора ҳал этиб, меҳнат жамоаларида ҳамжиҳатликни вужудга келтирмоқдалар. Бироқ, жойларда айрим ходимларнинг уқувсизлиги, бошбошдоқлиги мутлақо кутилмаган ўринсиз муаммоларни юзага келтираётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Масалан, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунни бажариш борасида камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Бу ўринда ҳамма гап касаба фаолларимизнинг билимдонлигига, ўзига юклатилган вазифаларни нечоғлик оқилона бажара олиш қобилиятига, энг муҳими, уларнинг қатъиятлилиги, қонунларни оғишмай бажарилиши устидан изчил назорат ўрната олиш малакасига бориб тақалади. Биз шуни назарда тутиб, жойларда касаба фаоллари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказаяпмиз. Юқори касаба қўмиталарида фаоллар учун малака оширишни йўлга қўяяпмиз. Мақсадимиз битта — касаба ташкилотлари, унинг барча бўғиндаги сайланма идоралари ишчанлигини ошириш, касаба уюшмаси халқимизнинг чинакам ишончли тоғига айланишига эришишдан иборат. Мана шундагина биз касаба ташкилотларини, Президентимиз айтганидек, мамлакатимизнинг буюк келажагини яратишга отланган барча ижтимоий кучларнинг елкадошига айлантира оламиз. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг эрта-индин ўз ишини бошлайдиган XV қурултойи бу қутлуғ мақсад йўлида янги бир босқич бўлади, албатта. Қурултой мамлакатимизда касаба уюшмалари ҳаракатининг 70 йиллик сабоқларидан ўринли хулосалар чиқариб, бу энг оммавий ҳаракатнинг турли хил иқтисодиёт шароитига монанд дастурини қабул қилишга шак-шубҳа йўқ.

**Суҳбатдош: Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

*Нуқтаи назар*

# ТАРБИЯ-ТАЪЛИМ — МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЗАМИНИ

**Эркин ЮСУПОВ,**
**академик**

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига ўтганига эндигина уч йилдан ошди. Бу қисқа давр ичида ўлкамизда буюк режалар ақл-идрок, сабр-қаноат билан, тарихий анъаналаримиз, жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб қадам-бақадам амалга оширилмоқда. Ислоҳотлардан мақсад Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан бирига айлантириш, халқимизнинг тинч, фаровон турмушини таъминлашдир. Биз бу жараённинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ҳам тобора ортиб бормоқда. Юртимизда барқарор бўлиб турган тинчлик, осойишталик, турли миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида янгидан-янги ютуқларга эришишимизнинг асосий омилларидан биридир.

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда маънавий камолот суръатларини тезлаштириш, тарбия ва таълим ишларини оқилона йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Зотан, маънавият инсоннинг туғма хусусияти эмас. У жамиятда, оилада, жамоатчилик ўртасида таълим-тарбия натижасида шаклланади. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарарли бўлади. Буюк мутафаккир Бедил айтганидек, агар меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, девор юлдузларга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади. Бедилнинг бу фикрлари тарбия, таълим ишларига ҳам бевосита даҳлдордир. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона ҳалол меҳнати, ҳамкорлиги ва ҳамфикрлиги асосида рўёбга чиқади.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда умумтаълим мактабларида амалга оширилаётган таълим-тарбия ишларининг аҳамияти ҳам каттадир. Таълим ва тарбия бир-бири билан боғланган. Лекин инсон шахси шаклланишида тарбия устивор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнида барча маърифий тадбирлар мажмуасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади.

Миллий тарбия эса инсон шахсини шакллантиришда миллий маданий мерос ва қадриятлардан фойдаланиш, ҳар бир шахснинг маънавиятига ўзига хос йўналиш беришга ҳаракат қилишдир. Тарбия кўрган кишилар умуминсоний қадриятларни қанчалик чуқур ўзлаштирмасинлар, улар ҳамма вақт муайян миллатнинг вакили бўлиб қолаверадилар. Миллат мавжуд экан унинг маънавий камолоти билан боғлиқ бўлган тарбиянинг ўзига хос миллий усуллари, мазмуни ва йўналиши ҳам такомиллашиб бораверади.

Мактабларда, барча ўқув юртларида олиб борилаётган тарбия, таълим ишларининг инсон шахси, шаклланишидаги аҳамияти ҳақида Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик бахш этади. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг барча яхши фазилатлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Таълимнинг ана шу мақсадларини рўёбга чиқаришда мамлакатимизда катта ишлар қилинмоқда.

Сўнгги йилларда умумтаълим мактабларида ислоҳ ўтказиш туфайли ёшларга таълим-тарбия бериш ишида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш, таълимни миллийлаштириш, жаҳон мезонлари даражасига кўтариш борасидаги кенг кўламли ишлар шулар жумласидандир.

Ҳозир умумтаълим мактабларида 20 фан ўқитилаётир. Булар она тили ва адабиёти, математика, физика, химия, биология, география, тарих, чизмачилик, хорижий тиллар, рус тили, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, табиёт, меҳнат таълими ва бошқа фанлардир. Лекин менимча, ёшларга ахлоқ ва одоб асосларини сингдирадиган, уларнинг ақлий ва жисмоний камолоти муштараклигини таъминлайдиган, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанлар ўқув режаларида ҳозир мавжуд бўлса-да ҳали етарли ўрин олган эмас. Ўғил-қизларда одоб-ахлоқ, юриш-туриш, жамоатчилик олдида ўзини тута билишлик, муомала, маданият, фаоллик сингари фазилатларни шакллантириш мунтазам амалга оширилмоғи керак. Инсон баркамоллигининг асосий замини — билим, ахлоқ ва одоб, иймон, эътиқод, онгли фаолликдир.

Ахлоқ- одоб тарбияси узлуксиз жараён. Бу борада танаффус, мавсумийлик ножоиз. Ёшларда маънавият асосларини шакллантирадиган «Одобнома» фани учун 10-синфда ҳафтада фақат бир соат вақт ажратилган. Ҳолбуки, 10-синф ўқувчиси ахлоқий жиҳатдан анча камол топган бўлади. Бу даврга келиб шахснинг эътиқодга айланган ахлоқий қиёфасида бирданига туб ўзгариш ясаб бўлмайди. Шу боисдан болаларга одоб-ахлоқнинг оддий мезонлари боғчалардаёқ ўргатилар экан, бу жараённи умумтаълим мактабларининг барча синфларида мунтазам, ёшларнинг ақлий салоҳияти ривожи имкониятларини ҳисобга олиб давом эттирмоқ керак.

Тўғри, ахлоқ ва одоб тарбиясида ота-онанинг, жамоатчилик ва қўни-қўшнилар таъсирининг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Лекин мактабнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни бетакрор. Инсон руҳий оламининг муҳим замини бўлган ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, садоқат, меҳр-мурувватлилик, меҳнатга муносабат, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалик, озодалик ва покизалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофлилик, ростгўйлик, ору номуслилик, ҳожатбарорлик, андишалик, катталарни ҳурмат қилиш, соф муҳаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилик, миллатпарварлик, байналмилалчилик сингари ахлоқий фазилатлар шаклланишида мактабдаги тарбиявий ишларнинг аҳамияти каттадир. Мактабда бундай ахлоқий фазилатлар ўқитилаётган фанлар, дастлабки мустақил ҳаёт тажрибаси, тенгқурлар билан бўлган муносабат ва мулоқот, адабий асарлар, оммавий ахборот воситалари асосида мустаҳкамланади ва бу фазилатлар камол топаётган инсон онги ва қалбида чуқур томир отади, унинг дунёқараши тизимига кириб боради ҳамда аста-секин эътиқодга айланади.

Маълумки, умумтаълим мактаби ўқув режаларида I—VIII синфларда ҳафтада бир соатдан тасвирий санъат ва мусиқа ўргатиш учун вақт ажратилган. Албатта, барча ёшларда тасвирий санъат, мусиқага қизиқиш, бу борада муайян даражада малака ҳам бўлиши керак. Санъатни севиш, уни тўлароқ англаш ва ўзлаштиришга интилиш комил инсонликнинг асосий мезонларидандир. Япония мактабларида мусиқа дарси учун ҳафтада 6-8 соат вақт ажратилади. Лекин бу фикрдан барча ўқувчилар рассом ёки мусиқачи бўлиб етишади, деган хулоса келиб чиқмайди.

Фикримча, умумтаълим мактабларининг барча синфларида «Маънавият асослари», деган алоҳида фан ўқитилиши керак. Бу фанни ўқитишнинг турли босқичларида ўқувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маънавиятнинг турли муаммоларини ўргатиш жоиз. Нафосат ва санъат билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам шу фан режаси асосида ўргатилиши мумкин. Бу фан таркибига «Одобнома» учун ажратилган соатлар ҳам кирмоғи керак. «Маънавият асослари» фанини ўқитиш болаларнинг ёши, тафаккур имконияти, шахс сифатида ўз-ўзини таний билиш қобилиятлари ўсиши билан боғлиқ равишда муомала маданияти, юриш-туриш, шахсий гигиена қоидаларидан тортиб етук ахлоқий камолот, нафосат мезонларини ўргатишга томон бормоғи зарур. Қизларга оила қуриш, дид, фаросат, етук нафосатга таяниб уй-рўзғор тутиш, таом пишириш, бола тарбиялаш йўлларини ҳам ўргатиш лозим.

Ҳозир кўпгина ёш қизлар ўрта мактабни битирибоқ турмушга чиқмоқда. Уларнинг аксариятида соғлом, оқилона турмуш қуриш, меҳр ва муҳаббатли бўлиб яшаш мезонлари ҳақида тўла тасаввур йўқ. Айрим оналар ҳам бу масалалар бўйича мукаммал одоб ўргатишга, билим беришга ожизлик қиладилар. Ҳозирги кунда айрим ёш оилаларнинг бузилиб кетишига қизларнинг ва йигитларнинг бахтли, ширин оила қуриш йўллари ҳақида чуқур тасаввурлари йўқлиги, ўз бурчи ва масъулиятига енгил-елпи қараши ҳам сабаб бўлмоқда.

Айрим йигитларда ҳам муомала маданияти етишмаслиги, кийим кийишда дидсизликка йўл қўйиши яққол кўзга ташланади. Баъзилари ётоқхоналарда яшаб ётган ўринларини дид билан тузатиб қўйишни ҳам билмайдилар. Ўзбеклар асрлар давомида келин излаб борганида даставвал бўлажак қудаларнинг ошхоналари, уйдаги саранжом-саришталикка эътибор берганлари сабабсиз бўлган эмас. Тозалаб ювилиб, жой-жойига қўйилган идиш-товоқлар ҳам етук руҳий маънавиятнинг кўрсаткичидир.

Етук маънавият ҳуқуқий онгни ҳам ўз ичига олади. Инсон жамиятда, муайян давлатда яшар экан, унинг ахлоқи ва одоби шаклланиши мавжуд ҳуқуқий мезонлар билан ҳам боғланмоғи керак. Фаоллик шахс ўзи хоҳлаган ишини қилаберишдан иборат эмас. Бу фаоллик жамият қабул қилган қонун ва қоидалар доирасида бўлмоғи керак. Жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунлар чегарасидан чиқиб кетган фаоллик — бебошликдир, жамоатчилик ва давлат манфаатларини менсимасликдир. Демак, ўқувчи ёшларда бурч, ватан ва миллат олдидаги масъулиятни ҳис қилиш, қонунларга риоя этиш сингари фазилатларни ҳам шакллантириш керак.

Фуқаролик жамияти — кишиларнинг етук маънавияти, қонунлар, ҳуқуқий бурч ва масъулият билан асосланган ўзаро муносабатдир. Ёшлар ўз онгли фаолиятининг биринчи қадамлариданоқ ҳар бир хатти-ҳаракатини жамият қабул қилган қонунлар, ҳуқуқий мезонлар ва бурч масъулияти билан боғлай олмоғи зарур.

Ҳозир умумтаълим мактабларида «Давлат ҳуқуқи асослари» 9-синфда ҳафтасига 1 соат, «Инсон ва жамият» фани эса 11-синфда ҳафтада икки соат ўқитилмоқда. Ўқитилаётгани яхши, лекин ўқувчилар юқори синфларга келиб ахлоқий ва илмий камолот жиҳатидан мўътадил шаклланиб қолган бўладилар. Менинг фикримча, «Инсон ва жамият» фанини, ёшларнинг ақлий салоҳияти даражасини ҳисобга олиб, 5-синфдан бошлабоқ ўқитиш керак. 11-синфда Ўзбекистон Конституцияси алоҳида мавзу сифатида ўрганилиши зарур.

Ёшларга мактабдаёқ маълум даражада иқтисодий билимларни ўқитиш, ҳунар ўргатиш, уларда касб танлаш эҳтиёжини шакллантириш борасидаги илғор иш тажрибалари эҳтиромга сазовор. Аммо ҳозир «Иқтисодий билим асослари» мактаб ихтиёрига берилган соатларда ўрганилмоқда. Бизнингча, уни давлат ихтиёридаги соатларга киритиш мақсадга мувофиқ.

Жамият тараққиёти учун мутахассисларнинг сони эмас, балки улар қандай соҳаларда фаолият кўрсата билиши ҳам аҳамиятлидир. Агар ёшларда касб танлаш эҳтиёжи шаклланиши давлат ва жамоатчилик томонидан бошқарилмаса, ҳамма осон пул топиш, енгил кун кўриш йўлларини ўйлаб тижоратчи бўлиб кетаверади. Натижада фан ва техника ютуқларига таянадиган ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи соҳаларида, таълим, тарбия, маърифат ишлари билан шуғулланадиган маънавият ўчоқларида керакли мутахассислар етишмай қолади.

Бинобарин, ёшларга аниқ ҳунар ва касбларни ўргатиш ҳам умумтаълим мактаблари ўқув режаларида катта ўрин олмоғи керак. Ҳозирча мактабларнинг барча синфларида ўтилаётган меҳнат таълими бирор касбни мукаммалроқ эгаллаш мақсадлари билан боғланган дейиш қийин.

Яна бир мулоҳаза: жисмоний тарбия учун ажратилган ўқув соатлар устида ҳам бироз ўйлаб кўриш керак. I-синфдан 11-синфгача жисмоний тарбия дарслари учун ҳафтада икки соатдан вақт ажратилган. Буни қарангки, жисмоний тарбия учун ажратилган соатлар ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия дарсларига нисбатан ниҳоятда кўп. Очиғини айтганда, жисмоний тарбия соатларидан мактабларда, айниқса, қишлоқ мактабларида қандай фойдаланилаётгани ҳаммамизга маълум. Ҳолбуки, қишлоқ ёшларининг дарсдан ташқари вақтлардаги барча фаолияти ҳам жисмоний чиниқиш жараёнидир.

Ҳозир Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш учун кенг кўламда ҳаракат бошланди. Бу ишларда асосан ёшларни жисмоний, маънавий камолоти устида сўз бормоқда. Жисмонан бақувват шахс маънавий, ахлоқий, илмий жиҳатдан етук бўлгандагина баркамол инсон, деган номга муносибдир. Маънавий соғлом авлодни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишини ташкил этади. Жисмоний соғлом, бақувват, лекин маънавий қашшоқ бўлган кишилар инсонлар учун, жамият учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирадилар. Айрим ҳолларда жисмонан соғлом, лекин маънавияти заиф бўлган ёшлар жиноятчилик йўлига ўтиб кетаётгани ҳам сир эмас.

Соғ танда соғлом ақл, дейди халқимиз. Соғлом ақл заминидагина соғлом тан ижтимоий, шахсий камолот омилига айлана олади. Шу сабабли ҳам ҳамма жойда ахлоқ, одоб тарбияси жисмоний тарбияга асос бўлмоғи зарур.

Мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси таниқли футболчи, баскетболчи, курашчи, боксчи бўлиши қийин, албатта. Спортнинг турли соҳаларида ўз маҳоратини юксак даражада намойиш этиш ҳаммага насиб бўлавермайди. Ўн йиллар давомида жисмоний тарбия учун ажратилган соатлардан тўла фойдаланиб келаётган кўплаб мактабларда бирорта таниқли, истеъдодли спортчи етишиб чиқмагани ҳам аниқдир. Шу сабабли жисмоний тарбия учун ажратилган соатларни бирмунча қисқартириш, етук истеъдоди бўлган спортчи ёшлар билан дарсдан ташқари вақтларда машғулотлар олиб бориш ёки уларни спорт турлари бўйича ихтисослашган мактабларга ўқишга юбориш зарур.

Жисмоний тарбия ҳисобига тежалган соатлардан эса ахлоқий ҳуқуқий, иқтисодий билимларни ўқитиш, ҳунар-касб ўргатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Хорижий тилларни ўқитишнинг ҳозирги тизими ҳақида ҳам жиддий ўйламоқ керак. Сўнггги йилларда хорижий тилларни ўргатишга болалар боғчаларидаёқ эътибор берилмоқда. Лекин нима учундир чет тиллари мактабларнинг 5-синфидан бошлаб ўқитилади. Тил ўрганиш борасида ҳам асло танаффусга йўл қўйиб бўлмайди. Вақт ўтиши билан болаларнинг чет тилларини ўрганиш борасида боғчада орттирган билимлари унутилиб кетади. Ўзбекистоннинг истиқлоли, бозор муносабатлари эҳтиёжларини тўла ҳисобга олган ҳолда хорижий тилларни ўргатишни 1-синфданоқ бошлаш керак. Тил билиш инсон маънавий камолотининг энг муҳим жиҳатларидандир.

Айрим мактабларда, жойларда чет тилини ўрганиш деганда асосан араб тилини билишни назарда тутмоқдалар. Бу айрим фуқароларнинг ҳозирги кундаги умуммаданий савиясини, маънавий эҳтиёжлари даражасини, истиқлол муаммоларини тасаввур этиш имкониятларини кўрсатувчи бир ҳолатдир. Араб тилини билиш, керак, албатта. Лекин халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ривожланиш истиқболларини ҳисобга олсак, инглиз, француз, хитой, япон, немис тилларини билиш ҳам ёшларнинг маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳимдир.

Рус тилини билиш ҳам истиқлол учун катта аҳамиятга эга. Биз келажакда Россия, бошқа русийзабон халқлар билан кенг кўламдаги алоқаларни ўрнатамиз. Собиқ СССР ҳудудида яшаган бошқа халқлар билан алоқаларимизда ҳам рус тили ёрдамида муомала қиламиз. Рус тилини билиш фанимиз, маданиятимиз тараққиёти учун ҳам муҳимдир. Шундай бўлса-да, рус тили хорижий тиллар тизимига кирмоғи керак. Рус тили умумтаълим мактабларининг 2-синфидан бошлабоқ ўқитилмоқда. Лекин нима учундир ҳозирча рус тилини ўргатиш учун бошқа хорижий тилларга нисбатан кўпроқ дарс соати ажратилган. Ҳатто, 10-, 11-синфларда рус тили уч соатдан ҳафтада икки марта ўқитилади. Рус тилига ажратилган дарс соатларининг маълум қисми ҳисобига бошқа хорижий тилларни ўргатиш кўпроқ йўлга қўйилса, яхши бўларди.

Миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Ҳар қандай миллий тикланиш миллий уйғониш заминидагина муваффақиятли амалга ошади. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида, миллий онг ва масъулият туйғусида умуммиллий руҳиятда юз беради. Миллий уйғониш доимий жараёндир. Миллат ғафлат уйқусидан бир уйғониб яна кўзини юмиб олиши мумкин эмас. Етук, уюшган миллат ўз истиқлоли сари ҳар доим кўзини катта очиб, атрофига ҳушёрлик ва масъулият билан назар ташлаб боради. Бу ўринда мактаб келажакда истиқлол юкини ўз елкасига оладиган ёшларнинг кўзини очиб, ақл-идрокини пешлайдиган зиё даргоҳи бўлиб қолаверади, албатта.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сўзлаган сермазмун нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий маънавий камолот — маърифатли инсоннинг икки қанотидир...», деб алоҳида қайд этди. Бу фикрлар миллий тарихий анъаналаримиз, ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси, мустақил давлатимиз истиқболи билан боғлиқ бўлган мураккаб, серқиррали муаммоларни атрофлича, ижодий таҳлил этишдан келиб чиққан хулосадир. Маънавий камолот барча даврларда ҳам жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан бўлгани маълум.

Ушбу мақолада шахсий фикрларимни ёздим, холос. Ўзбекистон мустақиллигини барқарорлаштириш масъулиятини чуқур ҳис қилган зиёлилар бу муаммолар бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашсалар яхши бўлур эди.

# ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҲАҚИДА

**Республика Таълим илмий-методика маркази ва "Ўзкитоб" китоб савдо бирлашмаси "Ўқитувчи" нашриётининг 1996/97 ўқув йилида таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган умумий таълим мактаблари учун нашр этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларига буюртмалар қабул қилади. Буюртма ҳар бир синф бўйича ўқувчилар сонидан келиб чиқиб, нашр фоизини ҳамда мактаб кутубхоналаридаги амалда фодаланилаётган дарсликларни аниқ ҳисобга олган ҳолда ва уларнинг жами сонини мазкур варақада қайд этган ҳолда тузилиши лозим. Буюртма варақасида ҳар бир дарслик неча фоиз нашр қилиниши кўрсатилмоқда.**

**Газетада эълон қилинаётган буюртма варақаси асосида ҳар бир мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта ва олий педагогика ўқув муассасалари ўз буюртмаларини газета саҳифасида берилган варақани тўлдирган ҳолда расмийлаштирадилар. Умумтаълим мактаблари ўз буюртмаларини белгиланган тартибда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига, бошқа ўқув юртлари эса буюртмаларни вилоят китоб савдо ташкилоти (кутубхона коллекторларига) ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаларига топширадилар.**

**Буюртма беришда ўқитувчилар ҳамда кечки, сиртқи (синф) мактаблар ва махсус мактаблар учун барча ўқув предметлари бўйича оммавий дарсликлар билан таъминланишини ҳам назарда тутиш лозим. Биринчи марта эълон қилинаётган дарсликларга, шу жумладан, янги дарсликларга ҳам буюртма ўқувчи ва ўқитувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ берилиши шарт.**

**Таништириш учун илк бор эълон қилинаётган ҳамда қиёсий дарсликларга ўқитувчилар, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, педагогика институтлари буюртма беришлари керак.**

**Мактаблар мазкур варақа бўйича ўз буюртмаларини 1995 йилнинг 20 мартига қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юборишлари лозим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, вилоят (шаҳар) китоб савдо тармоқлари билан ҳамкорликда жойлардан келган буюртмаларни умумлаштириб, уларни белгиланган тартибда республика Таълим илмий методика марказининг нашриёт бўлимига ва "Ўзкитоб" (Тошкент, Навоий 30) китоб савдо бирлашмаларига 1995 йилнинг 20 апрелидан кечиктирмай юборишлари сўралади.**

**Манзилимиз: 700027, Тошкент 27, Ўзбекистон кўчаси, 80.**

**Республика Таълим илмий-методика маркази.**

| т/с: | Муаллиф ва дарсликларнинг номи | Олдинги нашрларнинг яроқлилиги | Ўқувчилар сонига қараб буюртма (фоиз ҳисобида) | Буюртма |
|---|---|---|---|---|
| | **1-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | О. Шарафуддинов, Қ. Абдуллаева. "Шодлик", ("Алифбе") | 1995 | 101 | |
| 2. | Қ. Абдуллаева. "Гулшан" (Она тили) | 1995 | 110 | |
| 3. | Н. Бекбаева ва б. "Математика" (дарслик | 1995 | 110 | |
| 4. | Н. Бекбаева ва б. "Математика дафтари" | 1995 | 101 | |
| 5. | Адашбоев ва б. "Синфдан ташқари ўқиш китоби", 1-2 | 1995 | 110 | |
| 6. | Қ. Абдуллаева. "Ёзув дафтари", 1-2. | 1995 | 101 | |
| 7. | А. Григорьянц. "Табиатшунosликдан дарслик дафтари" | 1995 | 101 | |
| 8. | М. Ғаппарова. "Савод" (Алифбе) | 1995 | 101 | |
| 9. | М. Ғаппарова. "Қироат" (она тили) | 1995 | 110 | |
| 10. | М. Ғаппарова. "Ёзув дафтари", 1-2 | 1995 | 101 | |
| 11. | Х. Эгамов. "Ўзинг бўя ва бажар", "Ўзинг кўр ва яса" | 1995 | 101 | |
| | **2-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | А. Григорьянц. "Кузатишлар дафтари" | 1992-1994 | 110 | |
| 2. | В. Андриянова. "Русский язык в картинках" | 1993 | 110 | |
| 3. | Р. Мавлонова. "Меҳнат" | 1992-1994 | 110 | |
| 4. | Л. Левенберг. "Математика дафтари" | 1992-1994 | 101 | |
| | **3-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | А. Григорьянц. "Кузатиш кундалиги" | 1994 | | |
| 2. | Л. Левенберг. "Математика" | 1994 | 50 | |
| 3. | Е. Бельская. "Табиатшунослик" | 1994 | 50 | |
| | **4-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | А. Шожалилов. "Ўқиш китоби" | 1994 | 110 | |
| 2. | Л. Левенберг. "Математика" | 1989-94 | 110 | |
| 3. | С. Маҳмудова. "Русский язык" | 1994 | 110 | |
| 4. | А. Григорьянц. "Кузатиш кундалиги" | 1994 | 101 | |
| | **5-синф. Таянч мактаби** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | Ж. Икромов. "Математика" | 1996 | 110 | |
| 2. | А. Кабиров. "Жаҳон тарихи" | 1996 | 110 | |
| 3. | Б. Ғуломов. "Табиёт", (география) | 1996 | 110 | |
| 4. | Т. Петрова. "Русский язык" | 1992-94 | 50 | |
| 5. | М. Худойберганов. "Инглиз тили" | 1991-93 | 110 | |
| 6. | Н. Нешева. "Француз тили" | 1991 | 110 | |
| 7. | М. Ахмедшин. "Немис тили" | 1991-93 | 110 | |
| 8. | Т. Пошшахўжаева. "Меҳнат" | 1992 | 110 | |
| 9. | Ў. Холдоров. "Қишлоқ хўжалик меҳнати" | 1992 | 110 | |
| | **6-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | А. Ғуломов. "Ўзбек тили" (6-7-синфлар учун) | 1993-94 | 50 | |
| 2. | А. Кабиров. Жаҳон тарихи | 1996 | 110 | |
| 3. | А. Муҳаммаджонов. "Ўзбекистон тарихи" | 1994 | 50 | |
| 4. | Жамоа. "Ботаника" | 1994 | 110 | |
| 5. | М. Худойберганова. "Инглиз тили" | 1992-94 | 110 | |
| 6. | М. Ахмедшин. "Немис тили" | 1992-94 | 110 | |
| 7. | Н. Нешева. "Француз тили" | 1992-94 | 110 | |
| 8. | А. Воробьев. "Меҳнат" | 1992 | 110 | |
| 9. | П. Мусаев ва б. "Материклар ва океанлар географияси" | 1996 | 110 | |
| | **7-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | Ш. Алимов. "Алгебра" | 1991 | 110 | |
| 2. | Х. Мукминова. "Ўзбекистон тарихи" | 1994 | 50 | |
| 3. | А. Перышкин. "Физика" | 1990-94 | 50 | |
| 4. | Х. Якубов. "Русский язык" | 1994 | 50 | |
| 5. | В. Андриянова. "Книга для чтения" | 1992-94 | 50 | |
| 6. | П. Ғуломов ва б. "Туркистон табиий географияси" | 1996 | 110 | |
| 7. | Жамоа. Жаҳон тарихи | 1996 | 110 | |
| 8. | Жамоа. "Зоология" (7-8-синфлар учун) | 1995 | 110 | |
| | **8-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | Ш. Алимов. "Алгебра" | 1992 | 110 | |
| 2. | А. Абдуқодиров. "Информатика ва ҳисоблаш техникаси" | 1994 | 50 | |
| 3. | И. Смирнова. "Инглиз тили" | 1994 | 50 | |
| 4. | Н. Нешева. "Француз тили" | 1994 | 50 | |
| 5. | М. Ботирова. "Русский язык" | 1994 | 50 | |
| 6. | И. Стиркас. "Книга для чтения" | 1994 | 50 | |
| 7. | А. Умронхўжаев. "Чизмачилик" (8-9-синфлар учун) | 1995 | 110 | |
| 8. | Ҳ. Бобобеков. "Ўзбекистон халқлари тарихи" | 1994 | 50 | |
| 9. | Жамоа. "Жаҳон тарихи" | 1996 | 110 | |
| | **9-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | Ш. Алимов."Алгебра" | 1993 | 110 | |
| 2. | А. Нишонов. "Химия" | 1996 | 110 | |
| 3. | А. Каримова. "Русский язык" | 1994 | 50 | |
| 4. | Р. Ражабова. "Ўзбекистон халқлари тарихи" | 1994 | 50 | |
| 5. | Жамоа. "Жаҳон тарихи" | 1996 | 110 | |
| 6. | Н. Шахмаев. "Физика" | 1993 | эҳтиёжга кўра | |
| | **10-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | Ш. Алимов. "Алгебра" | 1994 | 110 | |
| 2. | Ё. Тўрақулов. "Умумий биология" (10-11-синфлар учун) | 1995 | 110 | |
| 3. | Г. Рудзитис. "Химия" | 1992-94 | 110 | |
| 4. | Л. Ульрих. "Рус адабиёти | 1992- | 50 | |
| 5. | Жамоа. "Жаҳон тарихи" | 1996 | 110 | |
| 6. | Н. Шахмаев. "Физика" | 1993 | эҳтиёжга кўра | |
| 7. | В. Максаковский. Жаҳон мамлакаларининг иқтисодий географияси | 1996 йил | 110 | |
| | **11-синф** | | | |
| | **Ўқувчилар сони** | | | |
| 1. | Б. Воронцов — Вельяминов. "Астрономия" | 1991-93 | 110 | |
| 2. | Г. Мякишев. "Физика" | 1992-94 | эҳтиёжга кўра | |
| 3. | Н. Шахмаев "Физика" | 1994 | эҳтиёжга кўра | |
| 4. | Жамоа. "Жаҳон тарихи" | 1996 | 110 | |
| 5. | | | | |
| | Для школ с русским языком обучения | | | |
| | **1-класс** | | | |
| | Количество учащихся | | | |
| | А. Григорьянц. "Окружающий нас мир" | 1994 | 101 | |
| | **2-й класс** | | | |
| 1. | Количество учащихся А. Григорьянц. "Окружающий нас мир" | 1993 | 110 | |
| | **3-й класс** | | | |
| | Количество учащихся | | | |
| 1. | А. Григорьянц. "Дневник наблюдения" | | 101 | |
| 2. | Е. Бельская "Природоведения" | 1994 | 50 | |
| | **Махсус мактаблар** | | | |
| 1. | Р. Мусахўжаев. Араб тили 7-синф | 1996 | 160 | |
| | **Кар болалар учун:** | | | |
| 1. | У. Файзиева. "Алифбе" | 1995 | 160 | |
| 2. | Т. Султонова. "Талаффуз" 1-синф | 1995 | 160 | |
| 3. | М. Шомуродова. "Ўқиш китоби" 3-синф | 1995 | 160 | |
| 4. | Х. Калбаева. "Математика" (0-синф) | 1995 | 160 | |
| | **Ёрдамчи мактаблар учун** | | | |
| 1. | Р. Шомаҳмудова. "Русский язык" (2-синф) | 1995 | 160 | |
| 2. | В. Худойберганова. "Она тили" (2-синф) | 1995 | 160 | |

*Спорт*





# *ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ОММАЛАШМОҚДА*

*Тошкент шаҳридаги 169-мактабда физкультура ва спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда футбол, баскетбол, гимнастика, шахмат-шашка, енгил атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича секциялар ишлаб турибди. Мактабнинг серғайрат жисмоний тарбия ўқитувчиси Г. Шарипов дарс ва синфдан ташқари машғулотларга катта эътибор бераётир. Шунинг учун ҳам мактабнинг "Умид" командаси пойтахт мактаблари орасида ғолиб чиқиб, республика телевизион "Қувноқ стартлар" мусобақасида чорак финалда ҳам қатнашди.*

*Мактабда анъанавий спорт турлари қаторида миллий халқ ўйинларининг 12 тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Абдулла Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти доценти Талъат Усмонхўжаев мактабнинг 5—11-синф ўқувчилари ўртасида халқ ўйинларини жорий этиш бўйича машғулотлар ўтказаётир.*

*Суратларда: 1. Т. Усмонхўжаев ўқувчиларга "Отиб қочар" ўйинини бажариш йўлларини кўрсатмоқда. 2. Мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси "Ўзбекистон фидойиси" унвони соҳиби Г. Шарипов ёш шахматчи ва шашкачилар машғулотини кўздан кечирмоқда.*

**Р. Альбеков олган суратлар.**

# МУАММОЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган спорт фаоллари йиғилишида туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари бошлиқлари, тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчилари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда футбол мактабларининг директорлари, мураббийлар, жисмоний тарбия бўйича услубчилар иштирок этишди.

Вилоят фаоллар йиғилишини халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. Рўзиқулов кириш сўзи билан очди ва биринчи масала — ўтган йилги иш якунлари ҳамда бу йилги вазифалар ҳақида маъруза қилди. "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини М. Аҳмедовнинг вилоятда футболни ривожлантириш масалалари бўйича маърузаси ҳам зўр эътибор билан тингланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган ҳар иккала масала юзасидан енгил атлетика бўйича вилоят спорт мактаби директори В. Мухторов, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти бўлим бошлиғи С. Расулов, Челак тумани халқ таълими бошқармаси услубчи-инспектори И. Болтаев ва бошқалар сўзга чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қўлга киритилган ютуқларни, мавжуд камчилик ва нуқсонларни қайд этиб ўтишди, шунингдек, нотиқлар спорт анжомлари ва формалари билан таъминлашни яхшилаш, вилоятларда спорт мусобақаларини кўпроқ уюштириш ва бошқа муаммолар ҳақида гапириб таклифлар киритишди.

Йиғилишда республика "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раиси М. Ҳайдаров қатнашди ва сўзга чиқди.

Шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам спорт фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Бухорода биринчи масала бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Баҳронова, иккинчи масала бўйича "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раиси муовини С. Камолов маърузаси тингланди.

Навоий шаҳрида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Б. Насриддинов йиғилишни кириш сўзи билан очиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари ҳақида тўхталиб ўтди. Сўнг вилоят "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини Р. Кенжаевнинг маърузаси тингланди.

**Мухбиримиз.**

*Диққат, янгилик!*

# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ!

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти билан ҳамкорликда "Ёш истеъдодларни излаймиз!" мавзуида тест синовларини ўтказаяпмиз. Даставвал, барча мактабларда истеъдодли ўғил-қизлар сараланди. Шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида 1-4 февраль кунлари бўлиб ўтган 2-шаҳар босқичида 104 та мактабдан 770 нафар ўқувчи қатнашди. Натижалар шу ойда эълон қилинади. Февраль ойининг иккинчи ярмида эса тест синовлари асосида қўшимча танлов ўтказилди.

Танловдан кўзланган асосий мақсад, ўзбек мактаблари 9-, 11-синф ўқувчилари орасидан зукко, истеъдодли, педагогикага ихлоси, қобилияти бор ўғил-қизларни ажратиб олишдир. Синовдан ўтган 9-синф ўқувчилари учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошида лицей очиш мўлжалланган. Лицей сентябрь ойидан бошлаб фаолият кўрсата бошлайди. Тест синовларида муваффақиятли қатнашган 11-синф ўқувчилари учун шу институтда тайёрлов курслари ташкил қилинади. Ўғил-қизларни саралаш ишлари Термиз давлат университетининг психологик лабораторияси мутахассислари бошчилигида ўтаяпти.

Иккинчи янгилик сифатида шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳар ХТББси, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Талаба танлов маркази, Низомий номидаги ТДПИ ҳамкорлигида Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчи ўғил-қизлар учун мазкур институтда мақсадли курслар ҳам ташкил қилинди. Январь ойидан май ойигача ҳар бир туман бўйича жадвал тузилган бўлиб, ҳозир шу асосда иш олиб борилаяпти. У ерда ўғил-қизлар тест асосида абитуриентларни танлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўрт соатлик маъруза тинглашади. Хоҳловчилар фанлар бўйича тест синфларидан тажриба-синов тариқасида ўтишлари мумкин.

**А. СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бош мутахассиси.**

## Тошкент шаҳар мактабларининг раҳбарлари диққатига!

**"Ўзбек қоғози" АКнинг "Умрон" ДКК Тошкент шаҳридаги туман халқ таълими бўлимлари билан тузилган шартномага мувофиқ мактаблардан чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади.**

**Макулатура мактабларнинг 91-61-31 телефонига берган буюртмасига биноан корхонамизнинг юк машиналарида ташиб олиб кетилади.**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги режа ва молия бош бошқармаси молия бўлими бошлиғи Аҳаджон Раҳмоновга онаси
**Ҳамзахон РАҲМОНОВА**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

*«МАЪРИФАТ»*

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

**Бош муҳаррир**
**Саъдулла ҲАКИМ.**

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.**
**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.**
**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.**
**ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.**
**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
**Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**
**Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Зубайда Усмонова.**

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—0116. 46197 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6